Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ÖZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 21 сентябрь, пайшанба. №116 (21.879). Сотувда эркин нархда.

НУКУС ДЕКЛАРАЦИЯСИ ИМЗОЛАНДИ

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

НУКУС, 20 сентябрь. (ЎзА махсус мухбирлари Амиркул КАРИМ, Ғулом МИРЗО, Абдурахмон ИСКАНДАР). Бугун Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференциянинг якунловчи кунида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтига ташриф буюрди. Халқаро конференция ишида Туркманистон Бош вазири ўринбосари М. Ражабов раҳбарлигидаги шу мамлакат делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

БМТ ҳомийлигида ташкил этилган ушбу конференцияда қарийб 35 миллион киши истиқомат қилаётган Орол ҳавзаси муаммоларини бартараф этиш масаласи атрофлича муҳокама этилди. БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик конференциянинг икки кунлик ишини хулосалар экан, унда қимматли таклифлар ўртага ташланганини таъкидлади. Орол бўйича Марказий Осиё давлатлараро кенгаши, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури, ЮНЕП, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар кўмагида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг янада самаралари бўлишида ушбу таклифлар муҳим ўрин тутади. Шу боис Марказий Осиё давлат бошлиқларининг конференцияга алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгесининг мажлислар залида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол муаммоларига бағишланган олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Президентлар учрашув ниҳоясида Нукус Декларациясини имзоладилар.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг халқаро конференция қатнашчилари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги матбуот конференцияси бўлди. Президентлар журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

Шу билан халқаро конференциянинг Марказий Осиё давлатлари Президентлари қатнашган якунловчи куни ниҳоясига етди.

Нукус аэропортида Президентлар Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев, Имомали Раҳмоновни кузатиш маросими бўлди. Қардош республикалар Президентларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов кузатиб қолди.

***

Шу куни Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. **(ЎзА).**

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ НУКУС ДЕКЛАРАЦИЯСИ

МУҚАДДИМА

Марказий Осиё минтақаси халқлари аср-асрлардан бери жаҳон маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келганлар. Уларнинг фан, хўжалик фаолияти ва санъатда эришган ютуқлари бутун инсониятнинг бойлигига айланган. Қадимқадим замонларда улар мураккаб ирригацион тизим ва иншоотлар барпо этишни, саҳроларда бўстонлар яратишни ўрганган. Ҳозиргача мислсиз бўлиб қолган меъморлик намуналари уларнинг меҳнати билан қад кўтарган. Уларнинг тафаккури билан математика, астрономия, тиббиёт, муҳандислик илмида мукаммал кашфиётлар яратилган. Бироқ кейинги пайтда минтақа аҳолиси олдида экология фалокати ва ўтиш даврининг сиёсий ҳамда иқтисодий қийинчиликлари туфайли жиддий муаммолар пайдо бўлди. Орол фожиаси атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланишда ўйланмасдан юритилган сиёсат натижасидир. Бунинг бош сабаби Амударё ва Сирдарёдан суғориш учун ҳаддан ташқари кўп сув олишдир. Бу Орол денгизининг қуриши ва Марказий Осиё минтақаси ҳамда қўшни давлатлар экологиясига мисли кўрилмаган тарзда таъсир қилишига сабаб бўлди.

Сувнинг тобора камайиб кетаётгани ва унинг сифати ёмонлашиши тупроқ ва ўсимлик қатламининг таназзулига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги ўзгаришларга, балиқни қайта ишлаш соҳасининг йўқолиб кетишига, шунингдек суғориладиган ерлар самарадорлигининг пасайишига олиб келди. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви Орол денгизи ҳавзасидаги 35 миллион аҳолининг турмуш шароитларига, уларнинг саломатлигига бевосита ва билвосита салбий таъсир кўрсатади, хўжалик фаолиятини бузиб юборади. Буларнинг барчаси эса мазкур минтақадаги миграцион жараёнларнинг кучайишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда минтақавий органлар тузилиб, муайян ҳаракатлар режалари ишлаб чиқилган. Бу халқаро ҳамжамиятнинг, жумладан Орол денгизи дастури бўйича ҳам кўмагини жалб этиш учун янги йўллар очди. Дастур зиқ этилган режага асосланган ва минтақани барқарор ривожлантиришга қаратилган. Сув ресурслари билан боғлиқ муаммолар миқёси ва мураккаблиги комплекс ва кўп соҳали ёндашувни ҳамда минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамият ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо қилади. Ҳамкорликни мувофиқлаштириш Жаҳон банки, БМТ тараққиёти дастури ва ЮНЕП томонидан амалга оширилади. Ҳомийлар ҳам муаммоларни ҳал этиш, ҳам Орол танглигини бартараф этишга қаратилган Орол денгизи бўйича дастурларни сезилари даражада қўллаб-қувватлашмоқда.

МАЖБУРИЯТЛАР

Юқорида эслатилганлар ҳамда мазкур халқаро конференциядаги муҳокамалар натижасига мувофиқ, биз минтақада ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик асосида тўла ҳамкорлик қилиш бўйича олган мажбуриятларимизни ва бундан бўён ҳам Орол денгизи ҳавзасида экологик бўҳрон ҳамда унинг табиат ва инсонга таъсири оқибатларини бартараф этиш йўлида ишлаш қатъиятимизни маълум қиламиз. Биз шунингдек, халқаро ҳамжамиятга бутун дунё давлатлари ҳукуматлари ва халқларига бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизда ёрдам беришни сўраб мурожаат қиламиз.

I. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИГА СОДИҚЛИК

Биз барқарор ривожланиш принципларига содиқ эканимизни баён қиламиз ҳамда бунинг учун қуйидагилар зарур деб ҳисоблаймиз:

барқарор ривожланишнинг асоси сифатида сув, ер ва биологик ресурсларнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиш;

қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мукаммал ва илмий асосланган тизимига ўтиш;

сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий усулларини ишлаб чиқиш воситаси орқали суғориш самарадорлигини ошириш, суғориш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда мукаммал технологияларни қўллаш;

ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг узоқ муддатли шакларини рағбатлантириш

йўли билан барқарор ривожланиш принциплари асосида Орол бўҳронини ҳал этиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурларни кенгайтириш ҳамда амалга ошириш.

Инсонлар саломатлигини яхшилашга, турмуш даражасини кўтариш ва маданий меросни сақлаб қолишга қаратилган ташаббусларга кўмаклашиш

йўли билан инсонлар турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, айни пайтда келажак авлодлар учун муносиб ҳаёт йўлларини таъминлаш.

Атроф-муҳит, асосан сув ресурслари ҳолати устидан минтақавий назорат тизимини барпо этиш;

атроф-муҳитни мониторинг қилиш бўйича ахборотлар алмашиш тизимини барпо этиш;

экологик стандартлар ва улар билан боғлиқ қонунчиликни уйғунлаштириш

йўли билан минтақа табиий ресурсларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Биз Марказий Осиё давлатлари ўзларининг Орол ҳавзасидаги сув ресурслари бўйича ўзаро муносабатларини бошқарувчи илгари имзоланган ва амалдаги битимлар, шартномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тан олиши ва уларни сўзсиз бажаришига розимиз.

II. ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР ВА БИТИМЛАРГА ҚЎШИЛИШ

Биз халқаро битимлар, жумладан, барқарор ривожланиш бўйича декларация (Рио-де-Жанейро, 1992 йил), Умумжаҳон табиат хартияси ва сув ҳавзаларининг яйдоқланиб қолиши ва улкан иқлимий ўзгаришларга қарши курашиш, биологик хилма-хиллик ва чегара ҳудудларидаги сув ҳавзаларини асраш ҳақидаги халқаро конвенцияларни тўла қўллаб-қувватлашимизни баён қиламиз.

Бундан ташқари, биз Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича халқаро конвенция ташкил этилишини зарур деб ҳисоблаймиз. Сувдан ҳамкорликда фойдаланиш ва экология стандартларини унификация қилиш ҳамда бу борадаги қонунчилик мазкур конвенцияда устивор мавқени эгаллаши лозим. Шу муносабат билан биз БМТ агентликлари, энг аввало унинг тараққиёт дастурига мурожаат қилиб, шу хил конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишда кўмак беришини сўраймиз.

III. ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ТАМОЙИЛЛАРИГА СОДИҚЛИК

Биз барқарор ривожланиш концепциясининг яхлит қисми бўлган соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳаларидаги мажбуриятларимизга содиқ қолган ҳолда, Орол ҳавзасидаги табиий инқироз оқибатлари кечиктириб бўлмас ва аниқ ҳаракатларни талаб этаётганини эътироф этамиз.

Биз ўз саъй-ҳаракатларимиз ва ресурсларимизни устивор эҳтиёжларга йўналтиришга сўз берамиз ҳамда халқаро ҳамжамиятга мурожаат этиб, бу борада бизга кўмак бериши ва қўллаб-қувватлашини сўраймиз. Биз халқаро ҳамжамиятнинг Орол ҳалокатидан бохабарлигини ошириш ниятидамиз ва унинг барқарор ривожланиш жараёнига кўмак бериш мақсадида ахборот тайёрлаш ҳамда тарқатишга янада кўпроқ куч сарфлашга тайёрмиз.

Марказий Осиёдаги янги демократик давлатлар ва ушбу минтақага кўмак бераётган ташкилотлар вакиллари сифатида халқларимизнинг ҳамда давлатга тегишли бўлмаган ташкилотларнинг иқтисодий жараён ва улар олдидаги муаммоларни ҳал этишида иштирок этишини таъминлаш мажбуриятини оламиз.

IV. МИНТАҚАВИЙ МУАССАСАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎМАКЛАШИШ

Биз минтақавий муассасалар—Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш, унинг ижроия қўмитаси, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва унинг ижроия дирекциясига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ва ишонч билдиришга тайёрлигимизни тасдиқлаймиз. Биз бу минтақавий тизимларнинг келажакда ҳам мустаҳкамланиши учун уларни қўллаб-қувватлаш мажбуриятини оламиз. Бунинг учун:

биз бу минтақавий муассасалар фаолиятини таъминлаш ва уларнинг аъзоларига БМТ ваколатхоналари ходимлари билан тенг ҳуқуқ ва муҳофаза воситаларини бериш борасидаги ўзимизнинг ният ва молиявий мажбуриятларимизни тасдиқлаймиз ҳамда ижроия қўмитанинг озод қилинган доимий раиси (ҳозирги раис ваколатлари муддати тугаганидан сўнг) бўлиши зарурлиги ҳақидаги таклифга розимиз;

биз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича халқаро комиссия, илмий-техник ва экологик ҳамкорлик (барқарор ривожланиш бўйича комиссия) комиссиясининг аҳамиятини ва уларни бундан бўён ҳам ривожлантириш зарурлигини эътироф этамиз.

Орол денгизи ҳавзаси давлатларини барқарор ривожлантириш бўйича БМТ халқаро конференциясида қабул қилинган.

Нукус шаҳри,
1995 йил, 20 сентябрь.

Мустақиллик манзаралари

МЕҲМОН ИЗЗАТДА, МЕЗБОН ХИЗМАТДА.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

МОСКВАДА ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМНОМАСИ

ИСЛАМ КАРИМОВ

УЗБЕКИСТАН ПО ПУТИ УГЛУБЛЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ
ЛЕНИЗДАТ
1995

Мустақилликнинг тўрт йили давомида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда сезиларли ютуқларга олиб келган Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакат раҳбарияти ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш йўлини танлаб тўғри иш қилганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Давлат ва жамият қурилишининг янги назарияси ва уни амалга ошириш натижалари республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида тўлалигича акс эттирилган. Хорижда бу китобга қизиқиш катта. Китобнинг Санкт-Петербургдаги «Лениздат» нашриётида чоп этилиши ҳам бунинг далилидир. Яқинда Тошкентда бу китобнинг дастлабки тақдимномаси бўлган эди. Энди Москвада, Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси элчихонасида ҳам китоб тақдимномаси бўлди.

Бу ерда Россия Федерацияси раҳбарияти ва Федерал Кенгаши, молиявий ва саноат доиралари, Москвадаги дипломатик корпус ҳамда жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари ва журналистлар тўпланди.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Шохалилов тўпланганларга мурожаат қилар экан, Ислом Каримовнинг китоби республика мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлнинг шунчаки тасвири эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон Президенти бу тўрт йилни мамлакат учун энг қийин давр деб белгилайди ҳамда ўз китобида сиёсий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш учунгина эмас, тараққиёт сари ҳаракат бошлаш учун ҳам фойдаланилган йўл ва усулларни чуқур таҳлил этади. Элчи китобнинг Санкт-Петербургда нашр этилиши Россия, МДҲ мамлакатлари ва хорижий давлатлар жамоатчилигига республикамизда амалга оширилаётган барча янгиланишларнинг бошида турган Ўзбекистон раҳбарининг сиёсати билан яқиндан танишиш имконини беради, деб таъкидлади.

— Ислом Каримовнинг китоби — кабинетда ўтириб қилинган мулоҳазалар меваси эмас, — деди Россия Фанлар академияси иқтисодиёт институти директори, академик Л. Абалкин. — Китоб чуқур мулоҳазалар, бошқа мустақил республикаларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш пайтида йўл қўйилган хатолардан чиқарилган хулосалар натижасида майдонга келди. Шунинг учун ҳам бу китоб Россияда ҳам, бошқа давлатларда ҳам сиёсатчи ва иқтисодчиларнинг эътиборини қозонмоқда.

Россия Иқтисодиёт фанлари ва тадбиркорлик фаолияти академияси президенти В. Кирпиченко ва Халқаро информатизация академиясининг биринчи вице-президенти Э. Евреинов Ўзбекистон раҳбарининг китоби ҳозирги кунда янги суверен давлатларда кечаётган интеграцион жараёнларни чуқурлаштиришга кўмаклашишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президентининг китоби йирик иқтисодчи олимлар, Россия Федерацияси халқ хўжалиги соҳалари раҳбарлари, дипломатик корпус ва матбуот ходимларида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимнома маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев иштирок этди. **(ЎзА).**

Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллиги олдидан

УЛУҒ МАҚСАД ВА ҒОЯЛАР ЙЎЛИДА

ХДП туман кенгаши партиямиз ташкил топгандан буён ўтган тикланиш, изланиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш даврини муваффақиятли босиб ўтди. Бу давр мобайнида бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари аҳоли ўртасида ўз таъсирини кучайтириш, уларнинг ХДПга интилишини ошириш борасида қатор ижобий ишларни амалга оширди. Буни 95 та бошлангич партия ташкилотига жипслашган 3592 нафар партия аъзосидан ҳам кўриш мумкин.

Кейинги вақтда зиёлилар орасида ХДП сафига кирувчиларнинг сони тобора кўпаяётгани партиямиз нуфузи ва обрўсининг ошиб бораётганидан далолат бермоқда. Биргина ўтган 8 ой мобайнида партиямиз аъзолари сони 200 кишига кўпайди.

Туман кенгаши партиямиз нуфузи ва обрўйини ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамкорликни жипслаштириш масалаларига эътиборни кучайтирмоқда.

Юртбошимиз минтақада ҳар томонлама барқарорликни таъминлаш, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига эътиборни жалб этмоқда: «Тасаввур қилингки, она юртимиз Туркистон катта бир уй, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади», — деганди у. Бундан чиқадиган хулоса, Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил этишдан иборат.

Бизнинг Чуст тумани Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Биз бир-биримизнинг ютуқларимиздан қувониб, муаммоларимизни ҳамкорликда ҳал этиб келамиз. Қирғиз қардошларимиз яйловларида чорвамизни боқамиз, зилол сувларидан ичамиз, экинларимизни суғорамиз. Ўз навбатида улар бизнинг темир ва автомобиль йўлларимиздан фойдаланадилар. Улар билан қариндош-уруғчилигимиз, қуда-андачилигимиз бор.

Туманимиз азалдан ўзининг кўпмиллатлилиги билан ажралиб туради. Унинг ҳудудида 17 миллат вакили бир оила фарзандларидек аҳил ва ҳамжиҳат яшаб келмоқда. Туманимиз аҳолисининг 35,4 фоизини тожиклар ташкил этади. Чустлик тожикларнинг деярли барчаси соф ўзбек тилида гаплаша олса, ўзбеклар ҳам тожик тилида бемалол сўзлаша оладилар. Қуда-андачиликда келин ва куёвнинг ўзбек ёки тожиклиги суриштирилмайди. Бошқа миллат вакиллари билан алоқамиз ҳам ана шундай. Қардош қрим татар аёлларининг деярли кўпчилиги қўли гул хотин-қизларимиздан Чуст дўпписи тикиш сирларини ўрганиб олганлар ва уларнинг мижозлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Туманимиз Тожикистон Республикасининг қўшни Ашт тумани фуқаролари билан ҳам азал-азалдан яқин қўшничилик ва қардошлик алоқаларида бўлиб келадилар. Қон-қардошлик, қуда-андачилик алоқаларидан ташқари мавсумий даврда бир-бирларига қишлоқ хўжалик техникалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа соҳаларда амалий ёрдам бериб келадилар.

Бир қатор ҳудудий, бошланғич партия ташкилотларимиз қошида ташкил этилган ижтимоий-сиёсий марказларда ўтказилаётган дўстлик ва қардошлик кечалари, учрашувлар ўз самарасини бермоқда.

Шукуржон РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Чуст тумани кенгаши биринчи котиби.

ХДП: бошланғич ташкилот ибрати

ЮТУҚДА ҲИССАМИЗ КАТТА

Жамоа хўжалигимиз вилоятда биринчи бўлиб 1995 йил пахта тайёрлаш режасини бажарди. Йил бўйи қилинган унумли меҳнат ўз самарасини берди. Теримни уюшқоқлик билан ташкил қилиш натижасида 905 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан юқори навли пахта териб 16 иш кунида маррага етиб келдик. Давлатга 2986 тонна юқори навли пахта топширилди.

Жамоамиз аҳлининг меҳнат ютуғида ХДП бошланғич партия ташкилоти фаолларининг хизмати катта. Ҳозир бошланғич ташкилотимиз ҳисобида 197 нафар аъзо бор. Улар жамоа ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Пахта йиғим-терими арафасида бошланғич партия ташкилоти мавсумни тез ва сифатли тугаллаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди. Теримнинг биринчи кунлариданоқ пахтакорларга маданий-маиший хизмат, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида самарали иш олиб борилди. Далаларда тер тўккан Саодатхон Мамадиева, Шамсихон Саҳобиддинова, Бодомхон Тўйчиева сингари теримчилар ҳозирга қадар тўрт — беш тоннадан пахта териб қўйишди. ХДП аъзоси Алиназар Нишонов бошлиқ бригада туманда биринчи бўлиб йиллик режани бажарди. Яна бир партиямиз аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Ҳасанбой Ортиқов бошлиқ бригада ҳам ҳосилдорликда катта муваффақиятга эришди. Биз жамоа хўжалиги аъзолари ҳосилдорликни 45 центнерга, ялпи пахта хирмонини эса 4 минг тоннага етказиш учун кураш бошладик. Бошланғич ташкилотимиз одамларни бу яхши ниятни амалга ошириш учун сафарбар этиш йўлида барча чора — тадбирларни кўраверади.

Олимжон КАМОЛОВ,
Бешариқ туманидаги «Раҳқон» жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти котиби.

Қорақалпоғистондаги «Шоли» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Нукус туманидаги «Шортанбой» шоличилик жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган бўлиб, тезпишар ва серҳосил шоли навларини яратиш, уларнинг илмий агротехникасини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бирлашма ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан шолининг тезпишар «Нукус — 2" ва ўртапишар «Гулзор» каби серҳосил навлари яртилди. Бугунги кунда республикадаги шоли майдонларининг 95 фоизида мана шу навлар етиштирилмоқда.

Кейинги йилларда юз бераётган сув тақчиллигини ҳисобга олган қорақалпоғистонлик олимлар кам сув талаб қиладиган шоли навларини яратиш йўлида тинмай илмий изланишлар олиб боряптилар.

СУРАТДА: бирлашма лаборанти Гулжаҳон Хўжаниёзова.

О. МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАВО ХУЖУМИ 72 СОАТГА ТЎХТАТИЛДИ

БРЮССЕЛЬ. БМТ ва НАТО ҳарбий ҳаво кучлари Босния сербларига қарши ҳаво ҳужумларини яна 72 соат тўхтатиб туришга қарор қилдилар.

Серб армияси қўшилмалари бош қўмондони генерал Драгомир Милошевич Сараево атрофидаги БМТ «хавфсизлик худуди»дан серб қўшинлари олиб чиқилаётгани тўғрисида баёнот берганидан сўнг бундай қарорга келинди. Баёнотда серблар БМТ томонидан қўйилган шартларнинг асосий қисмини бажаргани ва 18 сентябрь куни Сараевони қуршаб олган серб қуролли кучларининг 50 фоизи олиб кетилгани айтилади.

Ўз навбатида Босния мусулмонлари ҳукумати раҳбарлари серб қўшинлари БМТ ҳимоясидаги худуддан бутунлай олиб чиқилишини талаб қилмоқдалар.

СУРАТДА: Олмониянинг Дрезден шаҳри кўчаларида.

МАКЕДОНИЯЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

СКОПЬЕ. Македония ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилишини Македония халқи чексиз қувонч билан кутиб олди. Негаки, Америка-Македония муносабатларининг йўлга қўйилиши Жанубий Болқондаги тинчликни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Македонияликлар ҳаётида юз берган бошқа бир қувончли воқеа ҳам Американинг бевосита иштирокида амалга ошди. Нью-Йоркда Македония билан Греция ўртасида вақтинчалик келишув битими имзоланди. Маълумки, Македония собиқ Югославиядан ажралиб чиқиб, ўз мустақиллигини эълон қилгач, мамлакатнинг номланиши борасида Греция билан Македония ўртасида ихтилоф пайдо бўлган эди. Греция Европа ҳамжамиятидаги мавқеидан фойдаланиб, қитъа мамлакатларини Македония ўз номини ўзгартирмагунча, уни давлат сифатида тан олмасликка даъват этган эди.

БИТИМ ИМЗОЛАШГА ҲОЗИРЛИК

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ давлат котибининг Шарқий Осиё ва Тинч уммони минтақаси ишлари бўйича ёрдамчиси Уинстон Лорд АҚШ ҳукуматининг Тинч уммони жанубий қисмини ядросиз ҳудудга айлантириш тўғрисидаги битимни имзолашга ҳозирлик кўраётганини маълум қилди.

Тинч уммони жанубида жойлашган давлатлар анжумани котибияти вакили Алфред Сосако мазкур ҳудуддаги мамлакатлар АҚШнинг бу ҳаракатини қўллаб-қувватлашини айтди. Бу эса Франциянинг Атолла Муруоа архипелагида ядро синовларини ўтказишига қарши сезиларли таъсир қилиши мумкинлигини таъкидлади.

КЎРГАЗМА ТУГАДИ

ПРАГА. Бу ерда ҳарбий ва фуқаро авиатехникаси халқаро кўргазмаси ниҳоясига етди.

Ушбу кўргазмада 12 та мамлакатнинг 60 дан зиёд замонавий самолёт ва вертолётлар моделлари намойиш қилинди. Кўргазмада шунингдек, 72 та экспорт-импорт фирмалари ўз экспонатлари билан иштирок этди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ПУЛ ТОПИШНИНГ МИНГ БИР УСУЛИ

Андижондаги «Риск» деган ҳиссадорлик жамияти ўзига бу номни бекорга танламаган экан. У ерда таваккал дейишди-ю харажатларни сунъий тарзда ошириб ташлашди ва йўқ жойдан 31 минг сўм даромад топилди. Қилни қирқ ёрадиган тафтишчи бўлмаса, ошириб ёзилган харажатларни аниқлаш осон эмас. «Риск»чилар шуни эътиборга олишган бўлишса керак-да. Бироқ уларнинг «ҳунар»лари ўтмади.

Навоийдаги «Нонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятининг «Иссиқ нон» цехида пул топишнинг бошқа усулини қўллашар экан. Кундузги ишловчилар пиширган 839 дона қолипланган нон назорат тартибида тортиб кўрилганда ҳар биридан 61 граммдан, тунги ишловчилар пиширган 872 дона қолипланган нон тортиб кўрилганда эса ҳар биридан 76 граммдан кам келди. Яъни, бир суткада устамонлар 118 кило нон маҳсулотини «тежаб» қолиб, 994 сўм фойда олишган. Шу каби Андижоннинг Пахтаобод тумани нон комбинатининг 150 дона қолипланган нонидан 33 донаси, яъни ҳар бешинчиси стандарт талабларига жавоб бермайди. Комбинатдаги 18 та тарози давлат стандартлаштириш синовидан ўтказилмаган. Бу ҳам пул топишнинг бир усули. Чунки, тарози ва тошлар ейилиш натижасида бир килони икки кило қилиб кўрсатиш сари эмас, икки килони бир кило қилиб кўрсатиш томонга ўзгаради. Нукус нон комбинатидагилар эса тийинни минг-минг сўмларга айлантирадиган «жоду»ни ўрганиб олишибди. Бунинг учун қаламни олиб кўнглингиздаги рақамни «нарх» деган жойга қайд этиб қўйсангиз бас экан. Нукуслик тадбиркорлар шу «жоду» ёрдамида 110 тонна макароннинг ҳар килоси нархини бор-йўғи 45 тийинга ошириш ҳисобига 49 минг сўм фойда олишди.

Пул топишнинг харидор ҳақидан бевосита уриб қолиш усули борки, бу ҳаммамизга таниш. Қоракўл туманидаги «Янгибозор» ҳиссадорлик жамияти дўкони сотувчиси Г. Жўраев 100 сўмни, Гурлан туманлараро савдо базаси нон дўкончаси сотувчиси Р. Воисов 10 сўмни, Каттақўрғон шаҳри савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 68-дўкон мудири Т. Тожиев 80 сўмни, Наманган тумани савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 4-дўкони мудири С. Мадраҳимов 1056 сўмни, Музрабод тумани ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 8-дўкон мудири С. Худойқулов 23 сўмни, Жарқўрғон туманидаги «Шароф» хусусий корхонаси сураткаши С. Алимназаров 10 сўмни, Тошкентдаги «Дилором» жамоа корхонаси аёллар сартароши Р. Макляева 80 сўмни, 151-сартарошхона сартароши 24 сўмни минг айёрликни ўйлаб ўтирмай, сурбетларча ўз харидорларидан шилиб қолишган. Юқорида айтган ва қуйида айтиладиган пул топиш усуллари соҳиблари олган фойдалари бурунларидан қайтиб чиқди, албатта.

Пул топишнинг қонунбузарлар ўртасида кенг тарқалган усулларидан бири кўзбўямачилик эканлигини ўтказилаётган текширувлар ҳам тасдиқламоқда. «Тошкентфото» идорасидаги 37 - суратхонанинг бир иш куни ва ҳисоб-китоби кузатилди. Буни қарангки, 2520 сўм тушум тушди. Ваҳолонки, суратхонага кунига 430 сўм режа белгиланган. Кунига минг сўмлаб фойда тушиб тургач, бу жой албатта талаш бўлади-да. Самарқанд шаҳар «Орбита-сервис» устахонасида эса қабул қилиш тўловномаси ва қайд журналида расмийлаштирилмаган 24 та радиомагнитофон ва 9 та телевизор борлиги аниқланди. Шунингдек, Нукус шаҳридаги хусусий пойабзал устахонаси устаси А. Ибрагимов ҳам 3650 сўмлик буюртмани «оғзаки» қабул қилган. Автобусчиларимизнинг пул топиши ҳам шунга ўхшайди. Яъни, автобусда йўловчи тўла, шу билан бир вақтнинг ўзида унинг ярми ҳам «тўлмаган». «Бутунлай бўш» кетса «яна ҳам яхши» бўларди-ю, бироқ иложи йўқ. Текширувчиларнинг кўзини бўяб турмаса бўлмайди. Масалан, давлат белгиси 72-11 НВМ бўлган «Тошкент—Навоий» йўналиши бўйича қатновчи автобус ҳайдовчиси И. Яхшиев аслида бўлган 43 нафар эмас 20 нафар йўловчини олиб кетдим деди. Қолган 23 нафари эса Яхшиевнинг чўнтагида «кетишди». Фақат, бу шоввоз кассага 706 сўм ортиқча пул қайдан келиб қолганини тушунтириб беролмади. Давлат белгиси 16—26 НВЛ бўлган «Бухоро — Томди» йўналишида қатновчи автобусдаги 14 йўловчи ҳам 559 сўм пулга айланиб, ҳайдовчи чўнтагида кетишди. Ва ниҳоят, «Урганч — Қўшкўпир» йўналиши бўйича қатновчи 17-19 ХЗД рақамли «ЛАЗ» ҳайдовчиси О. Матёқубовнинг чўнтагига 55 нафар йўловчи қандай сиққанини кўрдик.

Эндиги сўз бозордаги чаққонлар ҳақида.

Ромитанлик Н. Шодиева, жондорлик Қ. Элмуродов, Бухоро шаҳрилик С. Муродов каби Бухоро бозорларида чайқовчилик қилаётганда қўлга тушган 30 нафар шахс бодрингу помидор, гилосу олчаларни деҳқондан олиб қимматига сотишни касб қилишибди экан.

Топармонларнинг яна бир хили ноқонуний тарзда товар сотиш ва солиқ тўламаслик ҳисобига пул ишлашга ихтисослашган. Масалан, «Саид», «Равнақ» фирмалари. «Саид» фирмасининг Бектемир туманидаги тижорат дўкони текширилганда ҳужжатсиз ва бухгалтерия ҳисобидан ўтмаган 500 шиша «Русская» ароғи топилди. «Равнақ» фирмасининг Амир Темур майдонида жойлашган тижорат дўконида сотилаётган 25 номдаги 462 дона хорижий спиртли ичимликларнинг ҳам ҳужжати йўқ экан. Акциз солиғи тўланмабди. Юракни қаранг, дўкон шунча қонунбузарликлар содир этгани ҳолда яна савдо қилиш ҳуқуқи берувчи гувоҳномасиз ишлаётган экан. Чустлик И. Ҳошимов ҳам 80 кило маргарин ва 197 пачка Индонезия чойини пуллаётганда қўлга тушди. Унинг «касбдошлари» ҳам гоҳ Ургутда, гоҳ Жиззахда, гоҳ Тошкенту Сирдарёда ўз маҳоратларини намойиш этишаётганда солиқ хизмати ходимлари томонидан тўхтатилди.

Хуллас, пул топишнинг минг бир усулидан баъзилари шу. Савдо ва транспорт соҳасининг «катта»лари бу аҳволдан «бехабар», бозорқўмлар «кунда-шунда»ларни «танишмаса» керакда ҳали.

Ибодулла ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими.

Урганч туманидаги «Истиқбол» жамоа хўжалиги деҳқонлари 1365 гектар майдонга чигит экиб, экинни оби-тобида парваришлаб мўл ҳосил тўпладилар. Бу йил она-Ватан хирмонига 4 минг тонна «оқ олтин» тўкишга бел боғлаган «Истиқбол»ликлар ҳосилнинг 40 фоизга яқинини «зангори кема»лар ёрдамида териб олишни мўлжалламоқдалар.

СУРАТДА: хўжаликнинг илғор механизаторларидан бири Одилбек Худойназаров.

Қ. ҚАДАМОВ олган сурат.

САВОБ ИШГА ҚЎШИЛИНГ

Инсон борки, у эзгу ният билан яшайди. Яхшилик, хайр-саховат қилишга интилади. Тошкент шаҳридаги «Зурриёт» етимлар хайрия фирмасида бўлганимизда бунга яна бир бор иқрор бўлдик. Хайрия фирмаси 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 700 нафардан ортиқ ота-онасиз, қаровчиси йўқ болага ёрдам берилар экан.

— Уларни ўқитиш, имкони борича моддий томондан ёрдам бериш асосий мақсадимиздир, — дейди фирма директори Шарифа опа Содиқова. — Ўтган ўқув йилида ана шундай болалардан ўн бештасига билим берган бўлсак, янги ўқув йилидан бошлаб уларнинг сони янада ортди. Кўплаб ўқувчиларимиз чет тиллари коллежларида билим олишмоқда. Ёзда ўндан ортиқ бола шаҳар касаба уюшмасининг йўлланмаси билан «Нефтяник» оромгоҳида дам олиб қайтишди. Ҳукуматимиз раҳбарияти ҳам бизни қўллаб-қувватлаб «Газ-24» Волга автомашинасини фирмамиз ихтиёрига берди. «Кумуш» фирмаси ҳар ойда икки ўқувчимизга юз сўмдан моддий ёрдам беряпти. Ўтган ойларда ўн олти нафар ўқувчига пул ва кийим-бош тарқатдик. Пойабзал фабрикаси, шаҳар ички ишлар ходимлари жамоаси ҳам бизга моддий ёрдам беришяпти. Бундай олиҳиммат ҳомийларимиздан беҳад миннатдормиз. Билим асосида қурилган давлат мустаҳкам бўлади, албатта, — дея давом этади Шарифа опа. — Шундай экан, келгусидаги режаларимиз ҳам бисёр. Шаҳар марказидан 4-5 хонали уй олиб, замонавий компьютерлар билан жиҳозламоқчимиз. Шаҳар яқинидан бир гектар ер майдони ажратиб, боғ ташкил қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Фақат шаҳримиздаги мутасаддиларнинг ёрдамларига муҳтож бўлиб турибмиз. Мана шу қилаётган ишларимизнинг ҳаммаси фарзандларимиз учунку, ахир. Улар ҳам ўз ёрдам қўлларини чўзишса ёмон бўлмасди.

Нефть ва газ конларининг геологияси ва уни қидириш институти катта илмий ходими, геология ва маъданшунослик фанлари номзоди Шарифа Содиқованинг куюнчаклик билан гапирганларича бор.

Шу институт раҳбари Асрор Аббосович Обидов ҳам фарзандларга илож борича яхши шароитлар яратиб бермоқда. Савобли ишларга бош қўшмоқда.

Ҳа, нуридийдаларимиз чеҳраларини табассум тарк этмасин. Мовий осмонимиз бегубор бўлиб, тинчлигимиз асрлар оша давом этаверсин.

Хурматли тадбиркорлар, ишбилармону олиҳиммат корхона раҳбарлари, савоб ишга қўл урай десангиз 53-05-69 телефон рақамига қўнғироқ қилинг.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

УСТА КУТИБ ЯШАЙДИГАН ОВОЗ

Уста Абдижалил дуконда якка ўзи катта-кичик қолиплару турли ранг ва шаклда кесилган чармлар орасида ивирсийди. Четдан қараган киши устага раҳми келиб, қариганда калавасининг учини йўқотиб қўйибдида, деб ичи ачийди. Аслида ундай эмас. Уста ўтирган жойидан узолиб кераклисини топади-да, ишлатиб яна жойига қўяди. Унинг бундайроқ уч йигитга елка бўладиган кифтларидан ўсиб чиққан суяги бузуқ қўллари ҳамма аъзоларидан кўра кўпроқ қимирлайди. Ҳатто бу қўлларнинг кўзи бор десаям бўлади. Кераклисини топишга катта бошнинг бурилиши шарт эмас. Этик ичида пайпаслаб сўзанни топадиган керакли жойга суқиб, суғуриб оладиган ҳам ана шу қўллар. Бироқ истакнинг беминнат ва итоатгўй қулидай ҳокисор бу қўллар қуришмоқ учун чўзилганда хушёрроқ бўлинг. Беихтиёр бир силтаб ўзига тортса мункиб кетганингиз бир ҳисса, қопқоқ орасидан ланж томир узилиб, пай томир чўзилса, кўзингиз мошдай очилади. Шунда беихтиёр ич-ичингиздан «вах-вах»лаб «уста шу бақувват илки билан қўлларимни яна бир тортиб, бўйин томирларимни эзиб қўйсайди» дея хумор қиласиз. Чиройни очиб, суякни енгиллатадиган бу машғулотни уста эллик йилдан бери кеча-ю кундуз такрорлайверади.

Етмишдан ошсаям етти соат хасталик кўрмагани шундан. Куч-қувват берганига шукур. Худо кўрсатмасин агар ётиб қолса не-не чавандозлар этиксиз, арғумоқлар югансиз, чоллар махсисиз қолишини ўйлайди. Тўғри, шогирдлариям кўп, бироқ армонлари унданам кўп.

Беминнат устози Уста Садиннинг терига жон соладиган масиҳо ҳунари қўлдан-қўлга йилдан-йилга ўтмай қолишдан кўрқади. Бор-йўғи бир бигизу икки сўзан билан от ва баҳодирга ярайдиган буюм яратишни ўзи бўлмайди-да. Яратганнинг ўзи қунт ва иқтидор бермаса қийин. Устани тушуниб етадиган шогирд мингдан битта. Иншооллоҳ, энди кўпаяр. Қандай қилиб дейсизми? Уста яқинда йигит бўлиб қайта туғилди. Худо берди-ёв. Хизирга учрадими? Йўқ...

Ушанда оппоқ ойдин тун эди. Дуконидан ҳориб чиқиб қиблага қарадида қўлочини ёзиб керишди. Ҳар дамги одати ўпкасига ҳаво тўлиб енгил тортганда ўша жон бахш қушиқни такрор қилади: «Худоё, шарманда қилма» Маъниси фақат ўзига аён. Бу нидони такрор эшитаверган ўзга қулоқ эса саволни соғинади. Нега? У эса тасбеҳ ўгиргандай такрор қилаверади: «Худоё, шарманда қилма». Тераклар орасидан бойўғли бемаҳал қичқиради. Бахши шоирнинг термасида бор. «Харобада қичқиради бойўғли. Хароба бу яқин атрофда йўқ. Илгари бўлган. Илоё энди бўлмасин. Бойўғли эса ҳамиша бор, ана сайраяпти. Вужуд энтикиб баданга чумоли ўрмалайди, Қўрқув, Йўқ. Хушхабар». Нега одам боласи унинг сайроғидан қўрқувга тушади? Ёлғизлик ва ваҳм даракчиси эмиш. Ҳар ҳолда уста бунга ишонмайди. Ҳар сафар бойўғли сайраганини эшитса қувонган. Худо хоҳласа бугун ҳам қувонади.

Яхшилик бўлади. Эрта тонггача бўлади. Тонг пайти бўлсаям майли. Ўзидан умиди катта. 9 ёшидан беш вақти намоз. Ҳар дамига шукрона. Тонг-ла қиёматда юзимни ёруғ қил. Ёпирай, ана экранда юртнинг энг каттаси қўлида ҳашамдор бир юган. Водийлик кекса устанинг хунаридан суюниб сўзлаётир. Ота-боболаримиз хунарининг давомчилари, қандай ҳунарманд усталаримиз бор-а. Уларнинг қабул корини ҳар доим қўллаб-қувватлашимиз керак. Абдижалилнинг қўлоқлари бошқа гапни эшитмади. Кўзлари ҳам юртбошининг шаклу шамойилини чизишдан бошқасига ярамай қолди. Қувонганидан бўғзига ҳаяжон тиқилди.

— Холбозор, сенам эшитдингми, бизниям замон кепти ўглим. Худоё ўзингга шукур. Шу кунга етказганингга шукур.

Ўзбекнинг пешонасига «ярқ» этиб офтоб чиққанда уста кичкина дўкон қуриб манглайига «Уста Садин хусусий тикувчилик корхонаси» деб ёздириб олди-да кўнгли жойига тушди. Кейин беш-олти шогирд бола ҳам айланишиб қолди. Холбозор ҳам ҳисобчилик дипломини қўйиб, икки сўзанни икки ёққа қулочкашлаб тортиб этик тика бошлади.

Ғаламислар пайтавасига қурт тушди. «Уста Абдижалил дуконига солиқ тўламайди. Катталарга туфли тикиб бериб хушомад қилади». Устани қўллайдиган фармонлар бу жойларга келиб етгунча чарчаб ҳорийди шекилли, таъсири кам. Ҳозир экранда қуриб қувонгани шундан. Юртбошининг айтганлари экрандаги нур орқали юракка ўтиб жойини топиб ўрнашиб олган ҳадикни кучириб ҳайдаган бўлсаям унинг тирноғи ботган изларидаги чандиқнинг ҳам етти ухлаб тушига кирмаган. Саккиз, тўққиз, ўн қадам. Қандай бўларкан? Тўхтаб изига қаради. Холбозор ҳам ҳали ичкарига қайтиб кирмаган, қандай бўларкан дегандай қараб турарди. Ичидан иккинчи овоз эса — «яхши бўлади. Сен энди қайта тирилган, яшариб яшнаган одам. Бемалол бошлайвер. Юр устахонага, шаҳдам қадам билан юравер» деб турарди. Иккинчи овоз эгасининг раъйига қарши борадиган куч устанинг ҳеч қаерида йўқ эди. Наздида бояги кузатиб қўйган пасттаккина эшик каттариб шогирдлари билан тўп бўлиб келса ҳам сигадигандай. Устахона чироғи шиддат ёғдуси билан томни ёргудек. Деворда илиглик думбира беихтиёр қўлга тегди. Бугун эса негадир отаси кўз олдига келаверди. Чамаси 6-7 ёшларда эди. Оқ соқолли, оқ саллали, оқ яхтакли Мулла Қўлдош нонуштадан сўнг тиловот қилиб илму одобдан гапириб турганди. Эшик безовта тақиллади.

— Мулла Қўлдош, эшикни очинг. ГПУдан!

— Оллоҳуакбар. Бу қишлоқдан ризқимиз узилибди. Яхшиям китоблар ишончли жойда, ҳай майли, буям худонинг бўйруғи.

ГПУ одамлари ҳамма жойни титкилаб Қуръондан бошқа китоб топишолмади. Отам Қуръонни куксига босиб олганди. Уни опкетишди. Сабабини ҳеч ким билмади. Тўрт гўдаги билан энам чирқиллаб қолди. «Илоё» деган сўзни ўшанда энамдан эшитгандим. Кейин билдим — отам оппоқ нур экан. Нурни опкетишипти. Бенур кўзлари кўр бўлсин, дейишган. Бир ой сўқир бўлиб яшадик.

Мулла Қўлдош бир ойда уйига қайтди. Ушанда ҳам оппоқ ойдин тун эди. Энаси ой ёруғида куймаланиб юрганди. Шундоққина ҳовли девори устида бойўғли қичқириб қолди. Абжал қўрқиб эгаси томон чопди. Иримчи аёл эса бир чимдим ўн чиқазиб бойўғли сайраган тарафга сочиб юборди. Яхшиликка буюрсин.

— Энди яхшилик бўладими, эна?

— Ҳа болам, энди яхшилик бўлади. Оқлик бўлади.

Ишонган яхши-да. Гумон имондан айиради. Абжал ишониб ўтирди. Бугун ухламайди. Яхшиликни кутади. Энаси айтди-ку. Ой, тўлин ой тепасига келди. Кўзни қисиб қараса ойнинг зар кокилларини аниқ кўрса бўлади. Беихтиёр нурларни битталаб санашга киришди. Бир, икки, уч, ўн, йигирма, уттиз... Қанча санаганини билмайди. Нурлар бирлашиб каттакон йўлакка айланганини кўрди. Йўлакдан эса оппоқ кўйлак кийган отаси келаётган эди.

— Абдижалил, яхши ўтирибсиларми, болам?

Унинг туришга мажоли қолмаганди.

— Во, муллажон, қайтиб келдингизми, оқланиб келдингизми? Сизда гуноҳ йўқлигини биламан...

— Майли, овозингни чиқарма. Энди бу ердан кетамиз. Уз тарафга кетамиз. У ёқда яхши одамлар кўп. Жонига жойлайди.

Отам оқлангунча бегона овулларда ҳадик ва қўрқув оғушида кун кечирди. Яхшилар бор экан.

Бу кеч устанинг кўзларига уйқу келмади. Илк бор ниятининг режасини тузди. Тонгга яқин кўзи илиниб, Бомдодга енгил туриб Худонинг қарзини узди. Бошловчи устадай энтикиб қўлига бигиз олди.

— Худоё, ўзинг шарманда қилма!

Шу тариқа орадан икки ой ўтди. Бу орада қўйди-пишди, аммо доим пойи-пиёда юрадиган бир мухбир ҳам келиб-кетди. Уста дилидагини унга айтди. Катта газетада Уста Абдижалилнинг сурати ва юртбошига атаб тикаётган чавандоз этиги, юган ва қамчи ҳақида мақола чиқди.

Тошкент Чироқчидан анча узоқ. Тонгда туриб совға-саломни елкалаб йўлга чиқди. Устанинг ўша одати. Бир ёққа бормоқчи бўлса туни билан уйқуси келмайди. Йўл қараб чиқади. Ана Ҳулкар бир арғамчи кутарилибди. Негадир кўнгли ғаш. Нимадир камдай. Холбозор ҳамма кам-кўстни тахлаб қўйибди. Ўша эски ҳадик ҳамон кўнгил кемтигидан муралайди, нима экан ўша кам. «Исмсиз дард» руҳини эзгилашга тушганда теракордан бойўғли қичқириб юборди.

Худога шукур, кутгани мана шу овоз эди. Шу хушхабар етмай турувди. Энди ҳаммаси жойида бўлади...

Гози РАҲМОН.

Икки минг беш юз йиллик тарихга эга бўлган Бухоро қадимдан ўзининг косиб, ҳунармандлари, зардўз, тўқимачи, тикувчилари билан Мағрибдан Машриққача маълум ва машҳур бўлган. Буюк ипак йўлида жойлашган бу кўҳна шаҳар аҳолиси томонидан яратилган мўъжизакор заргарлик буюмлари, зардўз маҳсулотлари олам кезган. Ҳалиҳали халқ амалий санъатига мансуб бўлган ноёб кийимкечаклар, ҳунармандлар қўлида сайқал топаётган, мисдан ишланган турли санъат асарларини излаб келувчи хорижликлар кўплаб топилади. Бултур Покистонда ўтказилган ҳунармандларнинг халқаро фестивалида бухоролик темирчи, зардўзлардан икки нафари ғолибликни қўлга киритгани юртимиз шуҳратини яна бир бор жаҳонга ёйди. Бу дилларни қувонтирди.

Истиқлол қуёшидан нур эмган Бухоро бугунги кунда йирик саноат шаҳрига айланди. Ундаги йирик корхона — «БУХОРОТЕКС» ҳиссадорлик жамиятининг гўзаллик бунёдкорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган камалакранг газламалар жаҳон бозорида алоҳида ажралиб туради. Бугун Туркия, Швейцария, Италия, Чехия, Венгрия, даниялик хонимлар эгнида Бухоро газламалари ял-ял ёнади...

Ушбу саҳифада биз ҳиссадорлик жамиятининг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Бухоролик тўқимачилар ҳаёти, меҳнати, мустақил республикамиз равнақига қўшаётган ҳиссалари ҳусусида суҳбатлашамиз. Ечимини кутаётган муаммолар ҳақида фикр юритамиз.

Ислоҳот қирралари

БУХОРО ГАЗЛАМАСИ

УНГА ХОРИЖЛИК ХАРИДОРЛАР ҲАМ МУШТОҚ

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти фаолиятига чизгилар

Илғор ип йигирувчи Муяссар Мажидова.



Швейцариянинг «Ритер» халқали ип йигириш машинасида иш унуми анча юқори.



«Бухоротекс»нинг ишчилар ошхонасида.

Саҳнада бирлашманинг «Оқ кабутар» гуруҳи.

«МАҚСАДИМИЗ – ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ТЎЛДИРИШ»

— дейди ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Шукрулло ДАВИРОВ

— «Бухоротекс»нинг бугуни ҳақида сўзлашдан олдин унинг тарихи ҳақида тўхталишни ўзим учун фарз деб биламан. Бухоро енгил саноатининг кўрки ҳисобланган корхонамиз қурилиши бундан 25 йил муқаддам бошланган. Корхона шаҳарнинг янги қисмида — яйдоқ далада қад ростлади. 1974 йилда дастлаб биринчи йигирув-тўқув фабрикаси ҳамда ёрдамчи энергетика коммуникациялари қурилиб ишга туширилди. Орадан уч йил ўтгач, калавани бўяш фабрикаси қурилди. Унинг қуввати кучли бўлиб, бу ерда йилига 5600 тонна бўялган ип калава тайёрланарди. Шу тарика қўҳна ва азим шаҳарда йирик иншоот тармоқлари қанот ёза бошлади. Ишчилар — яъни тўқимачилар шаҳарчаси юзага келди.

Ойлар ўтаверган сайин комбинат қурилиши жадал тус олаверди. 1981 йилга келиб 2-йигирув-тўқув фабрикаси фойдаланишга топширилди. Фабрикада 2100 та «СТБ-180», «СТБ-330» дастгоҳлари ўрнатилди. Шу билан бирга корхонанинг Вобкент ва Ғиждувон филиаллари қурила бошланди. Бу билан кифояланмадик. Комбинат мутахассисларининг иштирокида Жарқўрғон, Китоб, Яккабоғ шаҳарларида ҳам шундай филиаллар қурилди. Комбинат қошидаги пардозлаш фабрикасининг биринчи навбати ҳамда Олот, Қоракўл туманларида ип йигирув фабрикалари қурилиши бошлаб юборилди.

Бугунги кунда «Бухоротекс» ўзининг 2 та йигирув-тўқув фабрикаси, пардозлаш фабрикаси, Вобкент, Ғиждувон, Олот, Қоракўл филиалларига, қурилиш трести, автокорхона ва бошқа қатор ташкилотларига эга. Ҳиссадорлик жамияти корхоналари ҳозир йилига 28,7 минг тоннадан зиёд йигирилган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, ҳар йили 127,8 миллион погон метр хом сурп ва 128,7 миллион погон метр газлама ишлаб чиқармоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир корхонанинг ўзига хос муаммолари бор. 1974-1987 йилларда комбинатимиз зарарга ишлади. Биргина 1987 йилда кўрилган зарар қарийб 10 миллион сўмни ташкил этди. Маъмурият корхонадаги бу аҳволни тубдан ўрганиб чиқди. Айниқса, таъминотдаги узилишлар, техника-механизмларнинг эскириб бориши ва шунга ўхшаган қатор муаммолар борлиги аён бўлди. Аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб қолоқликдан чиқиш йўли, хориждан ҳамкорлар ахтарилди. Дастгоҳлар янгиланди. Шунинг эвазига бирлашмамиз кейинги йилларда қаддини ростлади. Кейинги беш йилда бирлашмамизда «Элтекс», «Зульцер Рюти», «Бенингер-Зукер-Мюллер», «Рамиш Клайпе-Веферс» каби ва бошқа жаҳонга танилган фирмалар билан иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шунингдек, Чехословакия, Туркия, Олмония, Италия, Дания ва бошқа давлатларга газлама сотиш йўлга қўйилди. Биз ўзаро ҳаморликни мустаҳкамлаш билан бирга хорижликларга сотадиган маҳсулот ҳажмини 25 миллион метрга етказишни кўзлаяпмиз.

Истеъмол бозорини тўлдириш, халқимиз фаровонлигини оширишни таъминлашга ҳисса қўшиш асосий мақсадимиз. Буни чуқур ҳис этган жамоамиз бозор муносабатларига ўтилаётган қийин шароитда имкониятларни излаб топмоқда. Ҳар бир корхона жамоаси энди мулкдор. Корхона, ундаги ускуна-жиҳоз, ҳамма-ҳаммаси ўзиники. Шу боис мулкка муносабат ўзгарди. Бу маҳсулотнинг жаҳон мезонларига мос келишини талаб қилибгина қолмай, балки корхона тамғаси, шаъни учун ҳамма бараварига ишлаши лозимлигини ҳар қадамда уқтириб бориляпти. Шу боисдан ҳам ишда силжиш бўляпти. Ўтган йили халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси 103,8 фоизга, ип калава ишлаб чиқариш 103,2 фоизга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 105,2 фоизга бажарилди. Меҳнат унумдорлиги эса 107 фоизга адо этилди.

Корхоналарни янги ускуналар билан таъминлаш ҳам ютуқларимиз омили бўлаётир. Бултур янги дастгоҳлар сотиб олиш, қайта таъмирлаш ишларига 50 миллион сўм сарфланди. Янги технологияни сотиб олишда хорижлик ҳамкорлар билан яқин алоқадамиз. 1-йигирув фабрикасида Швейцариянинг «Ритер» фирмасининг халқали ип йигириш машинаси ўрнатилди. У эски ип йигириш машинасига нисбатан икки-уч баравар унумли ишлаши билан бирга 100 фоиз сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. Оҳорлаш фабрикасида «Рамиш-Клайпе-Веферс» фирмасининг мато оқлайдиган тизими ўрнатилди. Бунинг эвазига корхона 15 миллион погонметр оқартирилган мато тайёрлаш имкониятига эга бўлди.

Тўқимачиларимизнинг бундай ҳамкорлиги ҳамда ижодий изланиши туфайли бирлашмамиз жаҳондаги нуфузли ташкилотнинг «Олтин глобус»и билан тақдирланди. Даниянинг Копенгаген шаҳрида топширилган бу мукофот бирлашмамиз шуҳратини жаҳонга танитди.

Жорий йилда корхоналаримизни техник жиҳатдан ёшартиришга алоҳида эътибор бериб, бу ишга 300 миллион сўм харажат қилишни чамалаяпмиз. 40 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилаётган жамиятимизда пуллик иш унумини ошириш чораларини кўряпмиз. Ҳозир ҳар куни 90 тонна ип маҳсулоти, 300 минг метр хом сурп, 400 минг погонметрга яқин газлама ишлаб чиқариляпти. Бу билан қаноатланмаймиз, албатта. Яқин орада 1-йигирув-тўқув фабрикасида Швейцариянинг «Ритер» ва «Зульцер Рюти» фирмаларидан олинган дастгоҳлар ўрнатилади. Улар ишга туширилгач, патли сочиқлар ишлаб чиқариш йилига 1 миллион 200 минг донага етади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари билан олди-бердини йўлга қўйиш мақсадида Россиянинг Климовка, Санкт-Петербург, Белоруснинг Минск шаҳрида савдо уйлажаси ҳам 82-85 фоизни ташкил этяпти. Яна бир самара: матони бўяш, гул босиш жараёнидан кимёвий маҳсулотлар тежаляпти.

Шу фирманинг яна бир бўяш техника-ускунаси ўрнатилгач, матолар ўзининг сержилолиги билан ажралиб турадиган бўлди. Бўяш линиясида оқинди сувларни қайта ишлаш эвазига 30 фоизгача соф фойда оляпмиз. Гул босиш цехимизда жаҳонга машҳур, эни гулли мато ишлаб чиқарувчи «Шторк» фирмаси ускунаси ўрнатилгани ҳам маҳсулотимизнинг харидоргирлигини оширди. Бундан ташқари сифатли кимёвий моддаларни ишлатиш учун Олмониянинг «Хёхст», «Басф», Швейцариянинг «Сибо-Гейчи» фирмалари билан иш олиб боряпмиз.

Маълумки, вилоятимизда сув таъминотида муаммолар бор. Шуни назарда тутиб Ҳиндистоннинг «Гермакс» фирмаси билан бирга ишлаб, оқинди сувни қайта ишлаш, техник сувнинг сифатини яхшилаш учун ҳаракат қиляпмиз. Олмониянинг «Ролиш-Клетевеферс» фирмаси ҳамкорлигида оҳорлаш ускуналарини яқин кунларда ўрнатамиз. Бу билан кенг энли газлама ишлаб чиқаришни йилига 20 миллион погон метрга оширишга эришамиз.

Элни кийинтириш — савоб иш. Мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилиш ҳаммамизнинг муддаомиз. Қосим Рамазонов, Барно Чориев, Имом Меҳмонов, Хубон Содиқова, Омон Омонов, Миршариф Қосимов сингари жонкуярларимиз сафи тобора кўпайиб, бораверарқан, мамлакатимиз, қолаверса, кўҳна Бухоро иқтисодиёти равнақ топаверади. Фабрикамиз жамоаси сержило, нафис газламалари билан юрт ободлиги, эл фаровонлигига улуш қўшаверади.

ЭЛНИ КИЙИНТИРИШ – САВОБ ИШ

Неъмат ҲАМРОЕВ — пардозлаш фабрикаси директори

— Мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичини бошидан кечирмоқда. Бундаги энг муҳим ва долзарб вазифа мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти эса мулкни ҳақиқий эгаларига беришни тезлаштириш. Бинобарин, мулк ўз эгасини топсагина мамлакатда тўкинлик, элнинг усти бут, қорни тўқ бўлади.

Корхонамиз 1994 йилнинг октябридан бошлаб очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Хўш, самара қандай? Бу саволга комил ишонч билан айтамизки, энди ҳақ-ҳуқуқимиз қўлимизда. Маҳсулотни хоҳлаган ерга ҳеч қандай тўсиқларсиз сота оламиз. Фойдамизга ҳеч ким шерик бўла олмайди. Фақат мулкка муносабатни тубдан ўзгартириб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, харидоргир моллар ишлаб чиқаришимиз даркор. Бунинг учун биз аввало замонавий чет эл техникаси ҳамда технологиясини дадиллик билан ишлаб чиқаришга жорий этишга, малакали кадрлар тайёрлашга, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор беряпмиз.

Биргина янги техникадан фойдаланишнинг самарасини олиб кўрайлик. Фабрикамиз Швейцариянинг «Бинингер» фирмаси ҳамкорлигида оқартув техника ва технологиясини жорий этдик. Бу технология бизда сув, энергия, бўғнинг сарфини 25-30 фоизга камайтирди. Шу билан бирга эни 220 сантиметргача бўлган матоларни ёйма ҳолда ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Ишлаб чиқарилган матонинг оқлик даражаси ҳам, кичикка ҳам бир хил. Ишчилардан ҳеч нарсани аямайди. Шунинг учун жамоада унинг ўрни ўзгача. Бир соат бўлмаса ўрни билинади-қолади. Яқинда ишчиларнинг 14 ўғил фарзанди суннат тўйи ўтказилди. Ногиронлар ҳолидан хабар олинди, бечораларга ёрдам кўрсатилди. Ҳаммасида унинг ҳиссаси бор.

Юқорида биз корхонада ўн саккиз минг киши меҳнат қилади, дедик. Улар ўн саккиз минг олам: ҳаммасининг қараши, фикрлаши, феъл-атвори ўзгача. Лекин уларни ягона мақсад ва маслак билан ишлашга даъват этиш котибдан ўта билимдонликни, одамохунликни талаб этади. Муҳиддин Бозоровда шуларнинг ҳаммаси мужассам. Шу боис ундан жамиятнинг жойлардаги филиаллари бошланғич партия ташкилотлари котиблари ана шу ижобий томонларни ўзлаштириб олаётганлари қувонарлидир.

— Ўз ишимдан қониқмайман, — дейди у, — Чунки ҳали улгурмаган юмушларим кўп. Аъзоларимизни уй-жой билан таъминлаш, улар билан кўнгилочар тадбирлар ўтказиш ва ҳоказолар мени асло тинчитмайди. Замон талабидан орқада қолиш эса бизга ярашмайди.

Ҳа, котибнинг ўз эътиқоди бор. Эътиқодли одамнинг эса иши доим ўнгидан келади.

ҲАММАСИ – ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА БОҒЛИҚ

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, — дейди ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ибодулла Каримов, — касаба уюшмалари раҳбарларидан кўп нарса талаб қилинади. Айниқса, ишчилар манфаатини ҳимоя қилиш, меҳнат ва дам олиш шароитини яратиб бериш энг муҳимидир.

Дарҳақиқат, шундай. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси юқоридаги талаблар даражасида ишлаяпти. Касаба уюшмаси қўмитаси ўз фаолиятида ижтимоий ҳимояни биринчи ўринга кўтарган. Ҳозир жамиятда тўқувчиларнинг ойлиги 1600 сўмдан ошди. Ёрдамчи усталарнинг маоши эса қарийб 2000 сўмни ташкил этяпти. Байрамларда турли тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган.

Бундан ташқари, касаба уюшмаси қўмитаси тиббий-санаторий бўлинмаси билан биргаликда «Соғлом авлод учун» дастурини ишлаб чиққан. Бу борада муайян ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирги кунда жамият ихтиёрида 345 ўринли касалхона, ҳар сменада 150 беморни қабул қиладиган поликлиника, аёллар маслаҳатхонаси мавжуд.

Ёш авлодни тарбиялашга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Болали аёлларнинг кўнгиллари хотиржам. Чунки 12 та болалар боғчаси мунтазам ишлаб турибди. Уларга 6,8 миллион сўм харажат қилиняпти. 30-ўрта мактаб оталиққа олинган. Шаҳардаги боғчаларда ҳам ишчиларнинг 1800 дан зиёд фарзанди тарбияланмоқда.

Келажагимиз ҳисобланган болаларнинг соғлом ўсишлари учун жамиятнинг «Ёш тўқимачи» болалар оромгоҳи ишлаб турибди. Унда ҳар йили 700-800 бола ёзни мазмунли ўтказади. Уларга бир мавсумда кетадиган маблағ эса бир миллион сўмни ташкил этаётир. Тўқимачилар соғлиғини муҳофаза қилиш ҳам фарз ҳисобланади. Соғломлаштириш-даволаш масканида ҳар йили 1400 зиёд ишчи дам олиб, даволанади.

Ҳиссадорлик жамиятида ишчилар учун замонавий чойхона, шинам ошхона, қаҳвахона, кутубхона мавжуд. Касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан турли шаҳарларга бепул саёҳатлар уюштирилиши ишчилар кўнглини кўтармоқда. Хуллас, ишчилар ўзларининг муҳим таянчи — касаба уюшмаси борлигидан қониқиш ҳосил қилишади.

ЁШЛАР – КОРХОНА ВОРИСЛАРИ

«Бухоротекс» тўқимачилари сафида ёшлар олти мингдан зиёдроқни ташкил этади. Маъмурият ёш тўқимачиларга ўзининг вориси сифатида ёндашаётганлигида ҳам жон бор. Чунки дастгоҳлар олдида ҳам, жамоат ишларида ва ободонлаштиришда ҳам улар яловбардор. Бу ерда Ёшлар Иттифоқи шу боис ҳам қизғин фаолият билан банд.

— Ёшлар — Ўзбекистонимиз келажаги, деб юртбошимиз бежиз айтганлари йўқ, — дейди корхона Ёшлар Иттифоқи ташкилоти котиби Гулнора Кенжаева. — Чунки келажаги буюк давлатни ёшлар қуради. Шу нуқтаи назардан шу азиз Ватаннинг ҳар бир қаричини биз кўз қорачиғидек асраймиз, ҳунар ўрганамиз, меҳнатимиз билан мамлакатимизни бутун жаҳонга танитишга ҳисса қўшамиз.

Котиба жамият ёшлари меҳнатини таърифлашда давом этиб, Моҳира Носирова, Гуландом Жўраева, Замира Толибова, Ғайрат Камолов сингари ўнлаб ғайратли ёшларнинг номини тилга олди. Шундан сўнг ёшларнинг бўш вақти қандай ўтаётганлигидан дарак берди. Жамият ёшлари баракали меҳнат қилиш билан бирга дам олишни ҳам билишади. «Қўшиқ бўстони», «Балли, қизлар», «Балли, йигитлар» кўрик-танловлари, «Ёшлар рейди» яхши самара бераётир. Янги истеъдодлар аниқланиб, тозалик, ободончилик ишлари кўлами ошаётгани ҳаммага маълум бўлмоқда. Бундан ташқари ёш тўқимачиларнинг Фарғона, Андижон, Марғилон, Қарши шаҳарларида бўлишлари, енгил саноат ходимлари билан тажриба алмашишлари касб маҳоратини оширишда, айниқса қўл келяпти.

* * *

«Бухоротекс» собиқ Иттифоқда саноқли бўлган йирик корхоналардан бири эканлиги кўпчиликка маълум. Корхона мустақиллик туфайли яна ўз қаддини ростлади. Унинг маҳсулотига жаҳон бозорида талаб катта. Шундай бўлса-да, муаммолар ҳам йўқ эмас. Жондор, Ромитан, Шофиркон туманларидаги филиаллар қурилиши жуда суст боряпти. Вобкент тўқув фабрикасида ишлар юришмаяпти. Бухоронинг тўқимачилар шаҳарчасида эса оромгоҳлар йўқ. Кўнгилочар масканлар қурилиши бошланган эмас. Хуллас, шаҳарча ҳали номига шаҳарча. Шундай бўлса ҳам бухоролик тўқимачилар элим деб, юртим деб, элни кийинтириш ташвишида ҳар тонг қадрдон корхоналари томон қувноқ йўл олмоқдалар. Ҳорманг, бухоролик гўзаллик ижодкорлари!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратларни Ё. ҲАФИЗОВ олган.

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИККАТИГА!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ"
фирмаси СИЗЛАРГА
ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ
ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
300 ДАН ОРТИҚ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!
ФИРМАМИЗГА ДУНЁНИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.



Сиз фирмамиздан *"Термед"* (Германия), *"Стерлинг Хелс"* (Буюк Британия), *"КРКА"* (Словения), *"Берингер Ингельхайм"* (Австрия), *"ЦИЭХ Польфа"* (Польша), *"Эссекс Кеми АГ"- "Шеринг Плау"* (АҚШ), *"W Robertson Co LTD"* (АҚШ), *"Гедеон Рихтер"* (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи *"Зантак"*ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи *"Сольфадеин"*ни харид қилишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-а уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).
Телефонлар:
44-24-34,
40-44-83.
40-48-06.
Факс:
40-48-53.

"ГУЖУМ"
ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛАРУСЬ
ҚУШМА КОРХОНАСИ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: *гуруч, пиёз, саримсоқ пиёз, олма, болгар қалампири* ва бошқа неъматларни бартер асосида
СОТИБ ОЛАДИ
ва шартнома тузган мижозларга
БЕЛАРУСДАН
қишлоқ хўжалик тракторлари ва эҳтиёт қисмлари, хар хил қоплар, холодильниклар, телевизорлар, радио-техника буюмлари, турли русумдаги *"МАЗ"* юк машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сара конфетлар, ноёб дори-дармонлар, картон қоғозларни
ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.
Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефон: 56-39-54.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
янги имкониятлардаги авиасервис
Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.
Тел: 33-29-49.

СУРАТДА: Зомин гилами. М. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Спорт

КУЧЛИЛАР ДАВРАСИНИ КЎЗЛАБ

Эртага Тошкентда Дэвис кубоги учун Ўзбекистон — Хитой теннисчилари ўртасида финал учрашуви бошланади.

Мамлакатимиз теннисчиларининг халқаро мусобақа финалида куч синашишлари юртимизда спортнинг бундай севимли тури оммавийлашиб ва ривожланиб бораётганидан нишона. Умуман, юртимизда теннисга бўлган муносабатда ижобий ўзгаришлар кузга ташланмоқда. Анъанавий «Президент кубоги» учун халқаро мусобақа ўтказилаётгани, деярли ҳар бир вилоятда йирик теннис ўйингоҳлари барпо этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Энди Дэвис кубогига келсак, у асримиз бошида Дуаит Дэвис томонидан таъсис этилган. Дастлаб АҚШ ва Буюк Британия терма жамоалари ўзаро кўч синашган ушбу мусобақа бугунги кунда жаҳонни ўзига жалб этиб турибди. Албатта, бу мусобақани халқаро теннис федерацияси қуллаб-қувватлаб туради. Кейинги 15 йил мобайнида Дэвис кубогига қизиқувчилар айниқса, кўпайди. Аввалларида кумуш ликопчадан иборат бу совринни АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Австралия теннисчиларига насиб этарди. 1972 йилдан кейин Жанубий Африка, Швеция (5 марта), Италия, Чехословакия ва Германия (2 марта) терма жамоалари ҳам бош совринни қўлга киритишди. Кейинги йилларда совриндорлар сафи Жанубий Корея, Япония, Дания, Австрия, Канада, Бельгия, Голландия, Куба, Венгрия ва ўтган йили Хорватия ҳисобига кенгайди.

Бош совринни қўлга киритиш тизими шундай тузилганки, унга осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун 8 мамлакатдан иборат Европа, шунча аъзога эга бўлган Америка, Африка — Европа ва ниҳоят, Осиё ва Океания каби гуруҳларда муваффақият қозонишга тўғри келади. Мағлубиятсиз ўйнаган терма жамоалар аввал кучли иккинчи гуруҳга қабул қилинади. Бу гуруҳда ҳам ўзини кўрсатса, кейин кучли биринчи гуруҳ аъзолари даврасига ўтиши мумкин бўлади. Биринчи гуруҳ даврасида муваффақият қозонгудек бўлса, ҳозир 16 мамлакатни ташкил этиб турган жаҳон гуруҳига йўлланма олади. Соврин учун кураш ана шундай айланма тарзида давом этаверади.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир гуруҳда саралаш учрашувлари ўтказилаверади. Ютқазган ўйиндан чиқади ёки пастки гуруҳга тушириб қўйилади. Чунончи, эртага жаҳоний гуруҳда ҳам саралаш ўйинлари бошланади. Мусобақа охирида жаҳон гуруҳининг чемпион мамлакати номи аниқланади.

Истиқлол юртимиз ҳам ана шундай қизғин курашда иштирок этиб келмоқда. Вакилларимиз иккинчи гуруҳга киритилган Осиё ва Океания мамлакатлари қатори муваффақиятли куч синашиб келмоқда. 8 мамлакат иккига бўлиниб, 3—5 февраль кунлари дастлабки учрашувларни ўтказишган эди. Хитой терма жамоаси Покистон, Малайзия ва Таиланд теннисчиларидан устун келиб, финалга йўлланма олди. Ўзбекистон спортчилари эса Катар, Шри-Ланка ва Эрон терма жамоаларини енгиб, ҳал қилувчи учрашувда иштирок этадиган бўлишди. Ана шу беллашувларда мағлубиятга учраган жамоалар ўз гуруҳларида қолиш учун ўзаро курашадилар. Хитой ва Ўзбекистон теннисчилари эса якунловчи учрашувда биринчи гуруҳга йўлланма олиш учун ўзаро баҳслашадилар.

Теннисчиларимиз бундай қизғин ва муросасиз курашда ғалаба қозониб, мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар, деб умид қиламиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Диққат: премьера!

ЭЗГУ МУҲАББАТ ҚЎШИҒИ

Парда очилади. Вуж-вужудларни титратиб юборадиган мусиқа садолари янграйди. Бу садолар кишини бошқа бир оламга — гўзаллик оламига етаклайди. Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театри ўзининг янги мавсумини итальян операси билан очади. Машҳур итальян композитори Гаэтано Доницетининг «Лючия ди Ламмермур» операси илк маротаба итальян тилида янграйди. Инглиз ёзувчиси Вальтер Скоттнинг «Ламмермур келини» романи асосида яратилган бу опера ўз даврида композиторга катта шуҳрат келтирган. Опера мавзуи нафақат бизга балки барча халқларга жуда яқин. Чунки ҳар бир халқнинг ўз муҳаббат қиссалари бор. Неча-неча даврлар кишилар дилига ҳамиша мангу ва навқирон меҳр, инсоний муҳаббат, нафосат ҳисларини уйғотиб кишиларни вафо-садоқат руҳида тарбиялаб келган Тоҳиру Зуҳро, Лайли ила Мажнун, Ромео ва Жульетта, Лючия ва Эдгар... Чунки бу муҳаббатномалар замирида ҳақиқий инсоний муаммолар, инсоний дард, разолат ва адолат каби ҳамиша абадий гоялар етади. Итальян композитори Г. Доницеттининг «Лючия ди Ламмермур» операси ҳам яратилган даврида ва жаҳоннинг машҳур қайғули муҳаббатномалари сафидан ўрин олган.

Мазкур опера ўзбек саҳнасига халқаро доирада қўйилди десак янглишмаган бўламиз. Аввало бу эзгу ишга Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси жонбозлик кўрсатди. МДҲ давлатлараро парламентлар ассамблеяси ҳомийлик қилди. Ўзбекистон Ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси, «Ўзиталмотор» қўшма корхонаси, «Тошкент Трейдинг» компанияси маблағ ажратди.

Истеъдодли итальян режиссёри Франческо Сфорца спектаклни ўзбек саҳнасига қўйишда катта ҳисса қўшди. Халқ артисти, театр директори Бернора Қориева айтганидай, спектакл даги етакчи партияларни ўзбек артистларининг айтиши кишини қувонтиради, кўнгилда фахр ҳисларини уйғотади. Аввало, бош қаҳрамон Лючия образини ўзбек операсининг юлдузи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова катта маҳорат билан ижро этди. Опера премьерасини эшитган залдаги чет эллик санъат мухлисларидан бири, ўзбек Лючияси итальян Лючиясидан сира қолишмайди, деб айтди. Эдгар — Лючиянинг севгилиси ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Латипов, Лючиянинг акаси Генри Астон ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шукур Ғафуров, Лючиянинг тарбиячиси Раймонд ролини Ўзбекистон халқ артисти Қурқмас Муҳиддиновлар ижро этдилар.

Спектакль сўнгида Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Карло Унгаро шундай деди: «Мен ҳозир шу ерда ўтирган барчанинг ҳис-туйғуларини изоҳ этяпман, десам янглишмаган буламан. Биз ҳозир ажойиб овозларни эшитдик, ажойиб ижрони кўрдик. Бу бизнинг Ўзбекистон билан маданият борасида ҳамкорликда қилган биринчи тажрибамиздир. Ўйлайманки, бу ишимиз келгусида ҳам давом этади...»

Ижод мавсуми бошланди. Ҳали санъат аҳли гўзаллик мухлисларини кўп мамнун этади.

Маъсума АҲМЕДОВА.

Суратда: репетиция пайти.
Суратни Валерий ХАРИТОНОВ олган.

Анвар ОБИДЖОН

СЕРКАХОНИМ

(Ҳангома)

— Серка! Ва-эй, Серка!

Дўқи полвон шу кунлар учинчи болага бўғоз қайнисинглиси эрга текканда ундирган импорт кўйлагини душман байроғидек тутамлаганича томорқага ларзанглаб кириб келди. У гоҳ оғилхонага мўралар, гоҳ тандир томонга бўйланар, тинмай томоқ йиртиб, хотинини чорларди. Кўкракка уриб қолган жуваризор этагидан «шатир-шутур»лар эшитилгач, ўша ёққа йўл солди. Ўқариқ четидаги ўтларни ўраётган хотинини илғаб, тутоққан қўйи яқинлаша бошлади.

— Ва-эй! Серка деяпман! Бир соатдан бери азон чақираман, ғинг демайсан. Даминг ичингда тиқилиб қолганми?

— Отам қўйган отим бор, тўғри чақиринг! — хотин ҳам ўз навбатида бобиллаб берди.

— Ий-яв! Мундоқ биқинимни тароқлаб, оғзимга узум ташлаб ўтирсанг экан, Эркахон десам. Ўзинг чўчқафеъл, қўлинг тизгинимда, йўриғингга бурилмасам, еттита қўшни безовта. Серка бўлмай нимасан, ўжарвачча?

— Ўзиз-чи ўзиз? Бижиган такадан баттарсиз.

— Ана-а, энди калланг ишлади. Манави кўйлакни қара, ёқаси яғир, елкаси чағир. Биласан, айтганман, Тиркаш ўғлини уйлантиряпти. Шуни кийиб бораманми? Мениям гўнтепа қилворма, серкадан тарқаган.

Хотин қўлидаги ўроқни жаҳл билан уватга санчди. Ерга таппа оёқ чўзиб, икки қўлида тиззаларини шапиллатишга тушди.

— Шу кунимдан серка бўлганим юз марта яхшийди. Авлиёни аразлатган бу касофати уйда қайси бир ишни қилай? Мол-қўй боқайми, кир ювайми, пахта савайми, кўрпа қовайними, ўрик қуритайми, сабзини ўтайми, токка дори сепайми...

Шу санашда санайверди, санайверди, қирқ боғ хашак ўришга етадиган вақт ўтса-да, рўйхат тугамади. Дўқи полвон оилага уч маҳал дастурхон ёзиш, уй-ҳовлини супуриш, ҳамир қоришу нон ёпиш, сигир соғишу кувада қаймоқ олиш, идиш-товоқ аралаш болаларимиям ювиб-тозалашу экин суғориш кабилардан ташқари хотинининг зиммасида пашша ва сувараклари қириш, сичқонларни заҳарлаш, жуваризор чумчуқларни ҳайдаш, иғвогар қўшнининг тилини тийгунча олишиш, бўш шишаларни ипга алмаштиришда лўли билан тортишиш, жўжаларни сорлардан саклаш, ёрилган чойнакни чегалатиш, занжирдаги Олапарни йўлдан оздираётган қанжиқ лайчага қайноқ сув сепиш, Ҳамдам солиқчидан қутилиш учун ўзини касалга солиб ётиш, радиони гапиртириб беролмаётган монтёрни кўчада тўсиб тузлаш, дарвозага чизиб кетилган ноилмий-оммабоп сўзларни ўчириш, ҳарбийдаги ўғлига мўлжаллаб қўйган қизни мактабдан қайтаётганда шилқим ўспиринлардан қўриқлаш сингари сон-саноқсиз бошқа вазифалар ҳам борлигини умрида биринчи марта бугун эшитиб билди.

— Э худо, мени бунақа қийнаб-ҳўрлагандан кўра, эчкига айлантириб қўяқолсанг бўлмайдими? — охирроқда яна нолишга ўтди бека. — Шу азоблардан қутилиш, тайёр хашакни чайнаб-а-б ётганим яхшимасми? Жон тангрижоним, айланай тангрижоним, бир марта оҳимга етгин!

Эри ташқарига чиқиб кетганидан кейин ҳам хотиннинг жағи тина қолмади. Деворнинг бузилган жойидаги човра ортидан: «Тинчликми, қоқиндиқ?» — дея қўшни отин кампир бўй кўрсатди. Арз-додини эшитиб: «Беш кунлик дунёда шукурдан нарига ўтмайлик, қизим. Юринг, сутчой пиширувдим, шерик бўлинг», деб ёғоч тўсинчага тияб қўйилган ғўзапоялардан бир боғини четга сурди. Дардини тўкишга бекорчи тополмай турган хотин ситамларини дастурхондек ёйганича бориб, қўшни ҳовлига ҳатлади.

Хотининнинг дийдиёси одатдагидан эртароқ тугагани Дўқи полвонни таажжубга солди. Нечукдир юраги безовталаниб, яна томорқага ўтди. Жим-жит. Кўнглига шайтон оралаб, ўпкаси томоққа югурди. Шоша-пиша бояги жойга борди. Санчилган ўроқ санчилганича турибди. Хотин йўқ.

— Ҳу, сер... Ҳу, онаси, қаёқдасан? — аланглаганича беихтиёр жуваризорни оралай кетди. — Буёққа қарагин, ҳув!

Оғилхона тарафдаги жуварилар бежо қимирлаганидан дили ёришиб, ўша ёққа бурилди. Борди-ю, донг қотиб тўхтади. Бурама шохли оппоққина эчки зимдан кўз сузиб, унга хотиржам тикилиб турарди.

Дўқи полвон «Ий-яв!» дея бир сакраб тушди. Кўзи телвакезик пилдираб, эчкининг теварагида икки-уч айланди. Эчки даставвал гоҳ тисарилиб, гоҳ шох дўлайиб, уни ҳушёр кузатди. Беозор таъқиб тўхтаганидан сўнг, лабининг четида осилиб қолган жувари қолдиғини чайнашда давом этти.

— Ҳув... ўзингмисан? — ўнг-чапга жаланглаб олиб, аста гап сўқди Дўқи полвон. — Э тавба... Бу қанақаси бўлди? Ўзингни нима қипқўйдинг, хотин?

Пешанасига кафт босиб, бойбувасидан қолган жодининг қирига ўтирди. Эчкини бошдан-оёқ синчиклаб қузатаркан, дум ликкилатишидан афти буришди.

— Туришингни қара энди. Ҳеч йўқ иштон-пиштон кийиб...

Бирдан бўғзи димланиб, киртайган кўзлари ёшўраб кетди.

— Ҳа тилинг қурсин-а. Бурушта ёмон ният қилардинг, иблис ўргатганини гапирардинг. Анави отинча хола қайтиб-қайтиб айтарди-я: «тош ёғса, ўт ёғмаганига шукур қил, қарғанишни ўрнига яратганга эгил, покиза тилакларингни гапир», деб. Боя «бир марта оҳимга ет», деб осмонга ирғишлаганингда нимадир бўлишингни юрагим сезувди... Э, бирпас кавшанмай тур!

Енгида кўзини артиб, чуқур нафас олди. Эчкининг руҳини кўтариш мақсадида ўзини тетиклантириб, амалий тадбирга кўчди:

— Ҳў-ў-ш... Терит қорадиган вақтинг ҳам бўп қолди. Етар, эчкиликни бас қилайлик. Қани, ҳушингни бир жойга жамла-чи. Ҳа баракалла. Энди осмонга тикил. Анқайма, ана осмон, тепада турибди. Аввал яхшилаб калима келтир. Тилдан қолганингни биламан, ичингда айтавер. Баракалла. Буёғига мен нима десам, шуни юракдан чиқариб ўзингча қайтариб турасан энди. Эсингни йиғволдингми? Бошладик бўлмаса: «Э, қодир эгам, раҳмдил тангрижонгинам! Мен ўзи туғма аҳмоқман, кўпинча ўйламай гапирораман. Гуноҳсиз болаларимнинг ҳурматидан бир марта айбимни кечириб...»

Ташқидан онасини излаётган бўталоқникидек янгроқ товуш таралди:

— Ҳа-ҳув! Тўйга ўчоқ қурадиган азаматимиз қайси тоғнинг панасида ётибди?

— Ва-эй, буёқдаман, — овоз қилди Дўқи полвон, сўнг эчкига юзланди. — Оббо, Тиркаш-ку бу. Андак тоқат қиптурадиган бўлдинг-да, хотин.

— Ба! Юрмайсанми, ошна, — гижинглаб яқинлаша бошлади Тиркаш. Ортидан маҳалладаги мол дўхтири ҳам қора кўрсатди. — Дошқозон осилмаса, тўй бошланганига ким ишонади? Қани, кетдик. Мана, шерикликка Сўлимовниям чақирволдим.

Дўқи полвон уларни нохушгина қаршилаб, қўл учида сўрашди. Тиркаш эчкига писандсиз боқиб, шунча мол-қўй турганда нега бу зоти паст маҳлуқни сотиб олганини суриштирди.

— Ё ис-пис чиқармоқчимисан? — тахминланди у. — Этини бир чамалайлик-чи, закискага етармикин.

Ярим тутам ўт юлиб, «ма, жиги-жиги», дея эчкини чақирди. Кейин шохидан тутиб, биқинини ғижимлади.

— Ҳей, нима қиляпсан? Қўйвор! — туйқус рашки қўзиб бақирди Дўқи полвон.

Бу орада Сўлимовнинг ҳам қўли қичиди. Бедана юриш билан бориб, эчкининг қорнини пайпаслади. Бўғоз эмаслигини башорат қилгач, «ҳали соғин шекилли», дея елинни сийпалаганини билади, Дўқи полвон: «Қўлингни торт, суюқбашар!» деб бўкирганича Сўлимовнинг ёқасидан чангаллаб, коптокдек тепага ирғитди, ерга қўниб-қўнмасидан қанғшарига тортди. Эчки житранглаганича ўзини жуваризорга урган чоғда, полвон дўхтирнинг елкасидан эзғилаб, буйнига яна икки мушт туширишга улгурди.

Тиркаш ҳилвароқ бўлса-да, бир маҳаллар чегарада хизмат қилгани боис тўрт соат чурқ этмай туришу қўл қайиришда унга тенг келадиган йўқ эди. Бир сакрашда Дўқи полвонга Сибир мушугидек, тирмашиб, шартта билагини эшди.

— Жинни-пинни бўп қолдингми? Бас!

— Мен сенга нима қилдим, ҳаромзода? — бўйни ҳиёл қийшайиб чийиллади Сўлимов. — Маҳкамроқ ушла, Тиркаш. Бунинг қутурган. Кўзи сопол.

Тиркаш ўзиникини маъқуллади:

— Э, йў, жинни дедим-ку сизга. Ҳали кириб келаётганимдаям эчки билан гаплашиб тургандек бўлувди-й. Шуни бир психичиский кўриб қўйинг, ака.

— Куним ҳўкизларнинг фолчисига қолдими? Биламан қанақа кўришни.

Дўқи полвоннинг Сўлимов ҳақида биладиганини қишлоқда бошқалар ҳам яхши билишарди. Қўшмат-бутунтиқар бўкиб қолганда, қулоғидан бураб туриб, пахта ёғини хомлигича оғзига қўйган; ичи кетишни бошласаёқ, ҳовлида тўхтамасдан югуртираверинглар, деб тайинлаган. Доливой шамоллашдан ўхчиб ётганда, иситма ўлчайдиган даражашишани қўлтиқнинг тагига эмас, молга ўхшатиб кетига ўрнаштирмоқчи бўлган. Ҳамдам солиқчига «туғмас хотинингни суньий қочириб кўрсакмикан», деб эшакдек калтак еган.

Рашкчи Дўқи полвон қайрилган қўлини бўшатишга тиришиб ҳайқираётган, Сўлимов бақира-чақира турли диагнозларни пеш қилаётган, Тиркаш дам бунисини бўралаб, дам унисини тинчлантиришга уринаётган қийё-қий паллада жуваризор ичидан уй бекаси чиқиб келди.

— Вой ўлақолай! Нима бўляпти ўзи?

Ҳозир Дўқи полвон хотинини асл ҳолига қайтгани билан муборакбод этадиган кайфиятда эмас эди.

— Ҳа-а! Битта кинна минан тезда тузалибдилар-да? Ё Сўлимов яна силаб қўйсинми? — дея қайишни узишга талпинаётган бўрибосардек бир Сўлимовга, бир хотинига сапчий кетди. — Иккалангниям тўшак қип қўяман! Ёриб ташлайман! Йўқол кўзимдан!

Хотин анграйган асно лип этиб ғойиб бўлди. Сўлимов ҳаяжондан суррайиб, Тиркашнинг кўзига илтижоли термилди.

— Маҳкамроқ ушла, ука. Менҳозир Чўян қиморвозникига кириб, мутахассисларга қўнғироқ қиламан.

— Овора бўлманг, — деди Тиркаш. — Чўян кеча Нор мискарга телефўнининг симлариниям ютқазворди.

— Ҳў, худо хайрингни бергурлар, — кутилмаганда пайлари бўшашиб, синиқроқ овозда гапирди Дўқи полвон, — тўғрисини айт иккаланг, шунча улфатчилик қилиб, бирор марта биронтангни хотинингга ола қараган жойим борми? Ҳў, Сўлимов, хотинингиз камсамўлдалигида далада менга қўл узатганиди. Шундаям кафтини сиқиб қўйишдан ўзимни тийганман.

— Камбағалнинг диагнўзи борган сайин чатоқлашяпти, қўлини қўйворма, — деб безланглади Сўлимов. — Эчкисига сал текканимга дўппослади. Энди э йўқ, бе йўқ, гапни хотинимга буришини қара.

«Эчки» сўзи тилга олиндиқ «лаббай» дегандек жуваризордан маҳлуқнинг ўзи ҳам ташриф буюрақолди. Уни кўриб, Дўқи полвон қайтадан сесканиб тушди. Танаси баттар шалвиради.

— Яна шу кепатами, хотин? — овози титраб, лаби буришди. — Эр бўлиб сўксам сўкибман-да бир. Сал нарсагаям худони безовта қилаверасанми?

Сўлимов таррак бўлганича секин ортга чекинди. Тиркаш билакни қаттиқроқ эшди.

— Мунча пўкиллайсан иккаланг. Қўрқманглар, уруғимдан жинни чиқмаган.

Дўқи полвон иккала маҳалладошини гоҳ илжайтириб, гоҳ ҳанг-манглатиб, бўлиб ўтган воқеани гапириб бера бошлади. Охирида киприклари пирпираб, кўзига тағин ёш инди.

— Ишонмайман! — нидо қилди Сўлимов. — Фанга зид бу!

— Фангаям, олимларгаям қўйдим, — қаҳрини ютиб дўриллади Дўқи полвон. — Фан ҳақ бўлса, унда хотиним қани? Хўш, эчки қаёқдан келди? Ҳамма биладики, қишлоқда биттагина Сафо гадойда эчки бўларди, униям қишда бўрилар мушкулкушодга ишлатворишди.

Тиркаш билакни қўйиб юбориб, йиғламсираганича дўстининг елкасидан қучди:

— Узр: ошна. Эчки олибсан деб ўйлаб, жуда хунук иш қип қўйдим. Қўлим хотингни биқинига етмасдан туриб синиб тушса бўлмасмиди. Бизни суйвормадинг, сенга минг раҳмат, — сўнг кўксига панжа босиб, эчкига бўйин эгди. — Узр, келин. Милён марта узр!

Сўлимов олдинига иккиланиб турди. Эчки гапларни Тиркашнинг кўзига тикилганича тинглаётганини кўриб, талмовсираган қиёфада орага суқилди. Қоши бароқланиб, устма-уст томоқ қирди:

— Энди-и... гап мундоқ, келин пошшо. Биринчида-а-н, бу ишингиз фанга мутлақо зид. Иккинчидан, бу сиёгда юриш хавфли, ҳозир ҳайвонлар ўртасида беш хил юқумли касаллик тарқаган. Учинчидан, шукур қилингки, эринги тупурган носининг ёнидан трактўр айланиб ўтадиган паҳлавон бир йигит, донги кетган гектарчи. Тўйга ўчоқ қуришниям, ўликка гўр кавлашниям битта шунга ишонишади. Шунча нарсани уддалаган дев бир куни рўзғорниям гуллатар. Сал сабр қилингда...

Човра шатирлаб, «кели-и-н, ҳу келинжон», деб чўзинганича, сурилган ғўзапоя орасидан томорқага отин кампир кириб келди.

— Келинг, отинча хола, — ўзини ўнглаб қарши олди Дўқи полвон.

— Човра очиқ қолган экан. Эчкимиз шу томонга ўтмабдими?

Уч эркак бир пайтнинг ўзида жўр бўлиб сўради:

— Қанақа эчки?

— Қори тоғаларинг бугун бозордан опкелувди. Чол-кампирга шуни сутиям ҳарнада.

Яқинроқ келгач, эчкини кўриб, «буёқдамиди», дея олдига солиб ҳайдашга тушди. Айни дамда «чақирдингизми, отин хола», деб ўёқдан уй бекаси ҳам пайдо бўлди.

— Човранги беркитмабсиз-да, қоқиндиқ. Эчкимизни шуёқдан топдим.

Дўқи полвон дам эчкига, дам хотинига аланглаб, бир зум қотиб турди, сўнг гурс этиб ерга ўтирди-ю, «веха... веха... вехахай, вехахай» қилиб, чапак чала-чала кулишга тутинди.

— Бошдаёқ фанга зид дегандим-а. Сен дарвинсизларга қўшилиб менам...

Сўлимов зарда билан қўл силтаб, пизиллаганича кўздан йўқолди. Тиркаш пича гарангсиб турди, дўппини пешанага суриб, бир-икки бор оғиз чўлпиллатди-да, «кийинволиб етиб борарсан», дея шумшайиб кўча томон юрди.

— Боядан бери нималар бўляпти бу ерда? — ўзлари қолишгач, тинмай кулаётган эрига лол-ҳайрон тикилиб сўради хотин.

— Э, буёққа келгин. Жуда катта ҳангома бўлди, вехахай, вехахай. Эшитсанг, сениям ичагинг чалкашиб кетади, вехахай, вехахай...

— Шу тобда ҳангома эшитишга вақтим йўқ. Кўйлагингизни чайқаётувдим, суви совимасин.

— Ва-эй, тўхтасанг-чи! — бурилиб кетиб бораётган хотинига қичқирди Дўқи полвон. Кейин ёнидаги жуварилардан ингичкарогини юлиб, ортидан узатган бўлди. — Тўхта деяпман сенга! Ма, жиги-жиги-жиги... Вехахай, вехахй, ваҳе-е-й...

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ "СУВЖИҲОЗГАЗ" қўшма корхонаси

сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат счётчикларини

таклиф қилади.

Сифатли, арзон, чидамли, бежирим.



Сизларни кутамиз.

Тошкент, Воровский кўчаси, 26
"Чкалов" метро бекати.

Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94.

Факс: 96-14-20.



Қишлоқ спорти

ЯНА БИР ЎЙИНГОҲ

СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Олтинсой туманининг ҳокими Алибой Бўтаев ишни ўйингоҳ барпо этишдан бошлади. Истиқлол байрами куни янги ўйингоҳда ўзига хос тантаналар бўлиб ўтди.

Бу ерда илк бор тўп сурган «Қорлиқ» ҳамда «Пахтакор» жамоа хўжаликлари футболчилари минглаб томошабинларни мамнун этишди. Қовун-қовундан ранг олади, деганларидек бу учрашувдан кейин бошқа жамоалар ҳам ўз футболчиларини номлари ёзилган рўйхатларни тайёрлашга киришдилар.

Олимжон УСАНОВ.

ТАШКИЛОТ

юқори сифатли 3, 4, 5, диаметрли ҳориж электродларини сотади ёки МДҲ бўйича лицензия асосида мол айрибошлашни таклиф этади.

Телефонлар:
41-36-86, 41-44-03, 41-55-20.

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ» ЧОРЛАЙДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «ШУУР» ижодий жамоаси, республика «Меҳр-шафқат» жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида **«МЕҲР ҚОЛУР»** деб аталган шеър ва қўшиқ кечаси ўтказилмоқда.

Кечада ўзбек халқининг севимли шоиралари, **«Дуторчи қизлар»** дастаси ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: **НАСИБА АБДУЛЛАЕВА, РУШАНА СУЛТОНОВА,** хонанда **МАВЛУДА АСАЛХЎЖАЕВА,** раққоса **РАЪНО ЗОКИРОВА**лар иштирок этадилар.

Адабиёт ва санъатимизнинг забардаст дарғалари — онахон ижодкорлари:

Ўзбекистон халқ шоираси — **ЗУЛФИЯ**

Адабиётшунос олима — **ФОЗИЛА СУЛАЙМОНОВА**

Ўзбекистон халқ артистлари: **СОРА ЭШОНТЎРАЕВА БЕРТА ДАВИДОВА ГАЛИЯ ИЗМАИЛОВА ҲАЛИМА НОСИРОВА КОММУНА ИСМОИЛОВА НАСИБА ҚАМБАРОВА** кечамиз меҳмони бўладилар.

Анжуман 22 сентябрь соат 17.00 да бошланади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар Отатурк кўчаси 24 уй.

Аввалги Билимлар уйи.

Ҳамза туман коммунал фойдаланиш бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳар территориал-коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари Норматов Ғоппор Норматовичга онаси

Фариза МАМАТКУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Наманганда --6-43-43; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Ургончда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0382.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23. 00.

123456.